ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

# ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 17 май, чоршанба № 85 (2134)

Ушбу сонда:

2-3 ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН

*Орамиздаги одамлар*
3 ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

*Қадриятларимиз*
4 СУРХОН ШИРИНЛИКЛАРИ

# «ЛАСЕТТИ» ОХИРГИСИ ЭМАС

Бугунги кунда техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган заводда енгил автомобилларнинг янги авлоди чиқарилмоқда. Сифати, мақбул нархлари ва қулайликлари билан улар аллақачон харидорлар меҳрини қозонган. Юртимиз автомобилсозлари жорий йил бошида «Дамас»нинг янги модели — «В-150»ни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Бу биринчи ўзбек автомобилининг ўн йиллик тўйига муносиб тўёнадир.

Яқинда корхонанинг айрим цехларини қайта жиҳозлаш ишлари якунланди. Хусусан, автомобилларни бўяш ишлари модернизация қилинди. Натижада кўплаб замонавий ва ишончли машиналарни ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди. Бугунги кунда «Нексия»нинг янги модели устида ҳам иш олиб борилмоқда. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси фаолият бошлаганидан буён 500 мингдан ортиқ автомобил ишлаб чиқарилди.

2005 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2004 йилга нисбатан 44 фоизга ортди. Биргина ўтган йилда Россия Федерацияси бозорларига ўзбек автомобилларини экспорт қилиш 30 фоизга ошди. Асака заводи дастурига кўра, «Ласетти» автомобилидан кейин яна бир неча автоулов турлари ишлаб чиқарилади.







***Суратларда:** корхонанинг 2-цех ишчиси Нурулло Мадумаров; Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.*

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751- сонли Фармонига мувофиқ ҳамда устувор инвестиция лойиҳаларини самарали молиялаштиришни таъминлаш мақсадида:***

1. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғарма ижроия органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси таркибида тегишли лойиҳаларни молиялаштириш бўйича тавсияномалар берилиши учун масъул бўлган эксперт гуруҳи ташкил қилинади;

Жамғарманинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади, мақоми бўйича эса Вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси фаолияти Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминланади.

2. Қуйидагилар:

бошқарув ходимлари сони 15 нафардан иборат бўлган Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш принциплари тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, ҳар ойда Жамғарма ҳисобига:

республиканинг айрим стратегик ресурслари бўйича жаҳон бозорларидаги қулай нархлар натижасида ҳосил бўлиб, ортиқча фойдадан олинадиган солиқлар, ер бағридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи тарзида республика бюджетига режадан ортиқча тушадиган маблағлар;

ҳар йили Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан қимматбаҳо металларга белгиланадиган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар ўтказиб борилади.

Шу билан бир қаторда, келиб тушишига қараб Жамғарма ҳисобига:

Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулотни сотишдан оладиган даромадлари;

давлат мулкини хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарма активларини бошқаришдан, шу жумладан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини жойлаштиришдан олинадиган инвестиция даромадлари ўтказилади.

4. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларда чет эл валютасида шакллантирилади;

Жамғарма молиялаштиришни таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги ва ўзини қоплаш муддатларини ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш шартлари ва Жамғарма маблағларини қайтариш механизми тўғрисида ваколатли банклар билан имзоланадиган бош битимлар асосида амалга оширади;

Жамғарма томонидан ваколатли банкларга бериладиган кредит ресурслари бўйича фоиз ставкаси йилига 6 фоизгача табақалаштирилган миқдорларда белгиланади.

5. Жамғарма активларининг барқарорлиги ва уларнинг даромадлилигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жамғарма билан ишончли бошқарув тўғрисидаги бош битим асосида Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини юқори ликвидли, ишончли хорижий молия воситаларига жойлаштиришни амалга оширсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки бир ой муддатда:

Жамғарманинг бўш қолдиқларини хорижий молия воситаларига, инвестиция операцияларига жойлаштириш тартибини, жумладан Жамғарма маблағларининг бир қисмини ишончли ташқи бошқарувчи томонидан бошқаришга топширишни белгилаб берадиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашга тасдиқлаш учун киритсин;

Жамғарма манбаларидан бири сифатида - алоҳида солиқ ставкалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини шакллантириш Тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси зарур алоқа воситалари билан таъминланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биносига жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банки, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар киритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 16 май

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

***«Ишонч» газетасида чоп этилган «Нури ёқади-ю, пули чақадими?» сарлавҳали танқидий мақола ўрганиб чиқилиб, унда қайд этилган қуйидаги далиллар аниқланди ва чоралар белгиланди.***

## ҲОКИМ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Жумладан, Ғузор туманидаги истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси маблағларини ундириш ҳамда мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида мутасадди ташкилотлар иштирокида йиғилиш ўтказилди.

М.Ҳасанова номли муқобил машина-трактор паркининг дебитор қарзи тўлиқ ундирилди.

Тошгузар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Д.Отамуродов, Гармистон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б.Омоновларнинг электр энергиясидан бўлган қарзини ундириш мақсадида далолатномалар расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар туман прокуратурасига тақдим этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги қарорига асосан 19-сон деҳқон қурилиш бошқармасининг истеъмол қилинган электр энергиясидан муддати ўтган қарзларини ундириш мақсадида солиштирма далолатнома тузилди ва туман солиқ инспекцияси орқали вилоят хўжалик судига тақдим этилди. Айни пайтда суд департаменти томонидан қарзларни ундириш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, Ғузор тумани электр тармоқлари корхонаси томонидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган 13 та ташкилотлардаги аҳвол ўрганилиб, тўпланган ҳужжатлар вилоят хўжалик судига оширилди.

Шунингдек, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётган айрим истеъмолчилар бўйича далолатномалар тузилиб, қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Мақолада келтирилган барча камчиликларни бартараф этишни назорат қилиб бориш Ғузор тумани ҳокимлиги зиммасига юклатилди. Вилоят ҳокимининг «Вилоятда ёқилғи-энергетика ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унинг бажарилиши назоратга олинган.

**К.СИРОЖЕВ,**
**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги котибияти мудири**

## *Инсонга наф келтириш — олий бахт*

***Ҳар бир иш самарасига қараб баҳоланади. Масалага ана шу жиҳатдан ёндошиладиган бўлса, ўтган ўн беш йилда ҳаёт бизга кўп нарсаларни ўргатди. Ўзлигимизни англадик, мустақил юрт сифатида дунёга танилдик. Албатта, ўтиш жараёни осон кечмади. Касаба уюшмаларида ҳам бошқа жабҳаларда бўлгани каби ўзига хос муаммолар тўпланиб қолган эди. Ҳамжиҳатлик, инсон манфаатлари ҳимоясига йўналтирилган қонун ва қарорлар асосида фаолият юритиш ўз мевасини берди.***

## ФУҚАРОЛАР МУҲОФАЗАСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Сир эмас, ўн беш йил илгари ўнлаб саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тизимларда ишлаб чиқариш деярли издан чиққан эди. Натижада ишсизлар кўпайиб, иш ҳақидан қарздорлик ўсиб борган.

Ҳукуматимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қарорлари ҳамда қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш борасидаги қонунлар, шунингдек, ижтимоий масалаларни ривожлантиришга қаратилган йўриқномалар нафақат аҳволни ўнглашга, балки ишлаб чиқариш корхоналарини шакллантириб, четга маҳсулот чиқаришга ва одамлар турмуш фаровонлигини яхшилашга имкон берди.

Бир мисол. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллар бошида мавжуд қишлоқларнинг ҳар учтасида битта қишлоқ амбулаторияси мавжуд бўлса, эндиликда ҳар қишлоқда қўша-қўша врачлик пункти бор. Ўша кезларда хонадонларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, маҳаллаларни ободонлаштириш каби долзарб ишлар 45-50 фоизни ташкил қиларди, холос. Ҳозир вилоятдаги энг чекка қишлоқ аҳолиси ҳам ана шундай имкониятлардан баҳраманд бўлаётир.

(Давоми 2-бетда)

## ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

***Зарафшон шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда «Меҳнат ярмарка»лари ўтказишга бандлик муаммосини ҳал этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида қарамоқда.***

Шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган ярмаркада 252 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлди. Қисқа фурсат ичида шунча иш ўрни яратилиши шаҳарда кейинги йилларда кичик ва микрофирмалар фаолияти яхшилангани, якка тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони ошгани, касаначиликка катта йўл очилаётгани билан изоҳланади.

Шунингдек, шаҳар ҳокимининг қарорига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишга қийналадиган, меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган 162 киши имтиёзли асосда корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

**Ўз мухбиримиз**

## *Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари*

***Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида ўз-ўзини бошқарув тизими ролини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида кўрсатилганидек, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллалар ҳамда шаҳарлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.***

## ОСОЙИШТАЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Маҳалла азалдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий қадриятлар, анъанавий урф-одат ва маросимлар шаклланадиган қадрдон маскан бўлиб келган. Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатлик сингари ноёб фазилатлар айнан шу муҳитда камол топади.

Йигирманчи асрнинг бошларида Қаршида Мирдўши, Оғалик, Чубин, Хонақо, Харрот, Шаршара, Бегларбеги, Кулолгузар, Хитой, Дарвозаитутак, Чилонгарон, Чармгар, Қўрғонча, Бузрукобод, Бешгумбаз, Маҳсумобод, Қарлиқхона каби йигирмадан зиёд маҳаллалар бўлган. Мустақиллик йилларида маҳаллаларнинг азалий анъанавий мақоми яна тикланди ва мазмун моҳияти ҳам тубдан ўзгарди. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» шиори асосида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари нуфузини оширишга жиддий аҳамият берилаяпти.

2700 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган қадимий ва ҳамиша навқирон Насафда 62 та фуқаролар йиғинлари ишлаб турибди. Жойларда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича маҳаллалар 9 та ҳудудга бўлиниб, вилоят ва шаҳар раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоа ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари фаолият юритаяпти. Улар ўзларига бириктилган мавзеларда газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, коммунал хизматни йўлга қўйиш каби масалаларни мутасадди ташкилотлар ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда оқилона ҳал этмоқдалар.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялардан ҳол-аҳвол сўраш, тарбияси оғир болалар билан ишлаш, муқаддам судланган ва жазо муддатини ўтаётган фуқаролар оиласидаги маънавий муҳитни ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида огоҳлик ва сергакликни кўчайтириш чора-тадбирлари кўрилаяпти. «Бандлик» дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, яшаш жойларидан узоқ муддатга четга чиқиб кетганларни аниқлаш, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантиришга қаратилган дастурлар тузилиб, амалга оширилаяпти. Ҳар бир ҳудудда олиб борилаётган ишлар умумлаштирилиб, вилоят ишчи гуруҳига ахборот берилаяпти. Ҳафтанинг душанба куни ўтказилаётган йиғилишларда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар чуқур таҳлил этилиб, мавжуд камчиликларни баратараф этиш йўл-йўриқлари кўрсатилаяпти.

Барча фуқаролар йиғинлари компьютер билан таъминланиб, шаҳар ҳокимлигида жойлаштирилган марказга уланди. Ҳудудларда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, ҳақиқий аҳвол, маҳаллаларда яшовчи оилалар ва фуқаролар ҳаётига оид ахборотлар компьютерда жамланиб, марказга узатиб турилибди. Ҳатто қайси маҳалланинг қайси кўчасида қачон газ, ичимлик суви ва электр энергияси бўйича узилиш рўй бергани компьютер маркази ёрдами билан бир зумда аниқланади.

Операторлар Қарши Давлат университетидаги махсус курсларда ўқитилади. Вилоят марказида ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тўпланган тажриба умумлаштирилиб, воҳанинг барча маҳаллаларида бундай янгиликни қўллаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ички ишлар, фавқулодда вазиятлар бошқармаси вакиллари билан ҳамжиҳатликда шаҳар ҳудудидаги тоифаланган, химиявий ва ёнғинга хавфли иншоотларнинг қўриқланиш ҳолатлари, маҳалла, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, олий ўқув юртлари, коллежлар, мактаблар, болалар боғчаларининг турмуш тарзи доимий назоратда. Ҳозирга қадар 22 минг 181 та хонадон кўздан кечирилиб, паспорт режими қоидасини бузган 322 нафар фуқаро аниқланди. Қирқта жиноят фош этилди, қидирувда бўлган 2 та шахс қўлга олинди. Ички ишлар бўлимида профилактика ҳисобида турган кишилар билан суҳбатлар ўтказилди. Ҳеч ким яшамайдиган 71 та хонадон аниқланиб, назоратга олинди. Норасмий диний-сиёсий оқимларга адашиб кириб қолган 194 нафар шахслар билан мулоқотлар уюштирилаяпти. Уларнинг иш билан бандлиги, оиласидаги маънавий-аҳлоқий муҳит ўрганиб чиқилди. 40 нафари ишга жойлаштирилди, 70 нафарига якка тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар берилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан 2163 киши ишга жойлаштирилди. 81 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш» бошқармаси, «Сувоқава» очиқ ҳиссадорлик жамияти каби ташкилотларда ишлаш учун 107 нафар йигит-қиз йўналтирилди. Манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда 6 мингдан зиёд янги иш ўринлари вужудга келтирилди. Ишбилармонлик билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларига аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси томонидан 145 миллион сўм имтиёзли қарз ажратилди ва 145 та оилавий тадбиркорга микрокредитлар берилди.

Ижтимоий муаммоларни ўрганиш жараёнида 38 кишининг ногиронлик аравачаларига, 14 нафарининг эшитиш, 54 тасининг таянч ҳаракат мосламалари, 350 та оиланинг моддий ёрдамга муҳтожлиги аниқланиб, амалий ёрдам кўрсатилди. 18 киши «Геолог» профилакторийсида, 12 киши «Қашқадарё соҳили» ва Меҳнат ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш вазирлиги тасарруфидаги сиҳатгоҳларида, 16 нафари «Физиомеддиагностика» хусусий шифохонасида даволаниб, соғлигини тиклади. 7 мингга яқин фуқарога бепул дори-дармонлар тарқатилди. «Геолог» ва «Наврўз» маҳаллаларида врачлик пункти ташкил этилиб, замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди. «Самарқанд» маҳалласидаги врачлик пункти таъмирдан чиқарилди. Шайхали қўрғонида янги шифохона қад ростлади. «ЎзИ Қарши» филиали ёрдами билан барча маҳаллалар телефонлаштирилди.

Газ, электр энергияси, ичимлик ва оқава сув таъминотидаги муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилаяпти. Қадимий Бешкент ариғи тикланиб, экологик ҳолат мўътадиллашди. Миттитуманлардаги 393 метр йирик ичимлик суви қувурлари алмаштирилди. Бўстон, Каманди, Маҳсумобод, Қиличбек қўрғончалари ва Зоғза маҳаллаларига 7,5 километр ичимлик суви қувурлари тортилди. Осиё Тараққиёт банки лойиҳасига мувофиқ шаҳарда сув таъминоти тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли ишлар давом этмоқда. Отчопар, Маҳаллот, Кунчиқар ва Алишер Навоий номли маҳаллаларда янги газ тарқатиш пунктлари қурилиб, 2 километрлик газ қувурлари алмаштирилди. 100,2 километрлик электр тармоғи, 32 дона трансформатор мукаммал, 200 та трансформатор жорий таъмирланди, 5,3 километр янги тармоқ қурилиб, 4,5 километрлик кабеллар алмаштирилди.

Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш доимий эътиборда турибди. Яқинда бўлиб ўтган шанбаликда 32 мингдан зиёд киши қатнашиб, 100 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди. Аҳолининг кам таъминланган қисмига 10 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи гуруҳларнинг хулосасига асосан 5 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ва 6 та уй-жой мулкдорлар ширкати раислари вазифаларига нолойиқ, деб топилди. 132 та ноқонуний қурилишлар аниқланиб, бузиб ташланди. Қарши-Термиз минтақавий темирйўл узелига қарашли ташкилотлар томонидан Заҳокимарон, Темирйўлчи, Шоҳбекат ва Усмон Юсупов номли маҳалла гузарлари ободонлаштирилиб, фуқаролар йиғинларига керакли жиҳозлар олиб берилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**



## 18 Май — Халқаро музейлар куни

Музей — маънавият кўзгуси. Унда миллатнинг ўтмиш маданияти намуналари мужассамланади. Зомин тумани марказидаги тарихий ўлкашунослик музейида сақланаётган ноёб экспонатлар ҳам миллий маънавиятимизнинг олис манзилларидан дарак беради. Бу ерда эрамиздан аввалги IV-V асрлардан яқин ўтмишимизгача бўлган даврга мансуб 4500 та экспонат сақланади. Айниқса, Александр Македонский қўшинига қарши ишлатилган манжанақ тош-ўқлари, эрамиздан аввалги V асрга оид сопол сув қувурлари, Найман қишлоғидан топилган эрамизнинг III-V асрларига хос иш қуроллари, танга пуллар улкан тарихий аҳамиятга эга. Зоминлик ўлкашунослар археолог олимлар билан ҳамкорликда музей кўргазмаларини бойитишга ҳисса қўшишмоқда. Яқинда Оқтепа археология масканидан топилган Зардуштий худонинг рамзи — терракота ҳайкалчаси ана шу саъй-ҳаракат натижасидир.

**Суратларда: музей раҳбари Гулнора Қорабоева ва илмий ходим Анжела Пак; ноёб экспонатлар.**

*Қадриятларимиз*

# СУРХОН ШИРИНЛИКЛАРИ

***Воҳа аҳолиси қадимдан шотут, зардоли, анжир ва сабзидан мураббо тайёрлаш усулини яхши билади. Хусусан, сабзи мураббоси воҳанинг барча ҳудудларида тайёрланади. Сабзи ошга тўғралгандай тўғралиб, сувда эритилган каллақанд қиёмига қўшиб қайнатилади.***

***Бойсун туманининг Панжоб қишлоғидаги суннат тўйларида ҳам сабзи мураббо тайёрлаш азал-азалдан урф. Бу ерда суннат тўйи уч кун бўлиб, биринчи куни «ширинмиён» деб аталган ва тўйга келган меҳмонларнинг ҳар бирига бир пиёлада мураббо қўйилган, 200 литрлик катта қозонда мураббо пиширадиган махсус ошпаз белгиланиб, сабзи билан ғўлин (ўрик қоқи)дан ширинлик солиб мураббо ҳозирлашган.***

Бойсун, Денов ва Шўрчи туманларида узум узиш вақтида боғ сайиллари уюштирилган. Бу маросимда ҳамма таниш-билишлар, катта-кичик иштирок этган сайил ҳашар тусини олган. Шеробод туманининг Зарабоғ, Пошхурт ва Хатак қишлоқларида ғарқ пишиб ётган балхи тут дарахти таги тўшоғлик турган. Тут мевалари шу гилам устига тўкилиб, шу ернинг ўзида тутмайиз бўлаверган. Тутмайиздан Шеробод туманининг Новбот қишлоғида тутҳолва тайёрлашган.

Денов тумани қишлоқларида қовундан қоқи билан бирга «қовун атала» тайёрланган. Кесилган қовуннинг уруғини олиб ташлаган ва қовун қирғич билан қириб озгина буғдой уни билан аралаштирган ҳолда қозонга солиб, қовурилган. Тайёр бўлган таом «қовун атала» деб аталиб, тўйимли ширинликлардан бири ҳисобланган. Воҳада қовун-тарвузлар ғарқ пишган ойида «ширинлик» сайли ўтказилган.

Тарвуздан тайёрланадиган «шинни» ва «қора кулча» ширинлиги Жарқўрғон ва Қизириқ туманларида ўзига хос усулда пиширилган. Тарвуз бўз матога солиб сиқилган ва сувидан тўппаси ажратиб олинган. Ажратилган сув қозонга солиниб, қорамтир қизил рангга кириб, мураббо қуюқлиги даражасига келгунча қайнатилган ва махсус мешларга солиб ташланган. Қишда тарвуз шинниси шамоллашга қарши дори сифатида ҳам истеъмол қилинган. Қора кулчалар тарвузнинг тўппасидан тайёрланган. Тўппага қозонда буғдой аралаштириб пиширилган. Қуюқлашиб қора тусга киргач, кичик-кичик кулчалар ясаб, қуритиш учун териб қўйилган.

Бойсун ва Шеробод туманининг тоғли қишлоқларида «ҳай-ҳай» деб аталган ширинлик тайёрланган. Қуруқ сутга новвот солиб қуюқлашгунча қайнатилган ва нон ботириб ейилган. Бойсун туманининг Тўда қишлоғида «ҳай-ҳай» тайёрлаш учун новвот ўрнига узум шинниси қўшиб қайнатишган. Бу ширинлик жуда кучли ва витаминларга бой таом бўлганлиги учун кўпинча баҳор ойларида истеъмол қилинган. «Ҳай-ҳай» ширинлиги қувват бағишлагани учун кўпроқ Рамазон ойларида ҳам тайёрланган.

Зўр маҳорат билан махсус қандолатпазлар томонидан тайёрланадиган ажойиб ширинликлар — новвот, парварда, каллақанд, кунжут, ҳолва, пашмак ҳолвани Сурхон воҳасида пишириш авлоддан-авлодга ўтиб келган. Масалан, новвот ва парвардалар Шерободда, ҳолвалар Денов ва Бойсунда кўпроқ тайёрланган. Термиз тумани Каптархона қишлоғида ва Амударё бўйида яшаган туркманлар ва кемачилар кунжут ҳолвани бошқаларга қараганда яхшироқ тайёрлаганлар.

Ҳолвалар Сурхон воҳасида тўй маросими ширинлиги ҳисобланганлиги учун кўпинча қиш ойларида тайёрланган ва тўй дастурхонларини безаган. Ўтмишда воҳа аҳолисининг кундалик истеъмолдаги ширинликларидан бири парварда бўлган. Ҳолвапазлар каллақанд эритиб парварда пиширганлар. Парварданинг оқ ранги, ширин таъми уни тўй дастурхони кўркига айлантирган. Бешик тўйи ва никоҳ тўйларида парвардалардан сочқилар сочилган, чунки оқ ранг бахт-саодат рамзи ҳисобланган.

Тўй-томошалар дастурхоннинг яна бир ширинлиги «лавз» ҳолва бўлиб, бир товоқ каллақанд ёки новвотга ярим челак сув қўшилиб, қиём тайёрланган, унинг ярмини бир идишга солиб, ун қўшиб қуюқроқ ҳолга келгунча аралаштирилган. Сўнгра уни ёғланган махсус тўрт бурчак қолипга солиб текисланган. Қиёмнинг қолган ярмини яна тоғорага солиб, қизил ранг ун солинган ва яна аралаштирилган. Бу ҳам ўша қолипга оқ қиём устидан солиниб текисланган.

Ҳолваларнинг яна бир тури «Сачоқ ҳолва» бўлиб, Денов шаҳри ва Сина қишлоғида «соч ҳолва» деб, Ангор тумани қишлоқларида «пашмак ҳолва» даб аталган. Бу ҳолва кўпинча Денов шаҳрида рўза ойида қарияларбоп қилиб тайёрланган. Сачоқ ҳолва тайёрлаш учун қиём совутилган ва оппоқ ҳолга келгунча гулмихга урилган. Бошқа қозонда ун иситилиб, махсус супра устига элантан. Иссиқ ун ичига тайёр қиём қуйилиб, ун билан ёпилган ва тўрт киши тўрт тарафдан қиёмни тортишган. Қиём айлантирилган вақтда устига сепилган. Шу сабабли ҳолва соч толасидай эшилган.

XIX аср охири XX аср бошларида воҳа аҳолисининг кундалик истеъмолидаги ширинликлардан бири новвот бўлган. Новвот тайёрлаш Шеробод тумани беклигида, хусусан, Шеробод шаҳрида ривожланган ва ҳозирда ҳам бу анъана давом этиб келмоқда. Новвот тайёрлаш учун махсус қозонлар устига оқ ип тортилган. Уч-тўрт кундан кейин новвот тайёр бўлиб, қозон очилган. Воҳанинг ҳамма туманларида тўйда келинни узатиб келишга бораётганда қайнонаси 3 килограмм новвот юборган. Новвот айниқса, кўзи ёриган аёллар ва қарияларга қувват бўлади деб чойга солиб берилган.

Воҳанинг деҳқончилик билан шуғулланиб келган аҳолиси турли мурабболар ҳам тайёрлаганлар. Ҳар хил меваларни қайнатиб дастурхоннинг безаги бўлган шарбатлар ва мураббалар, қиёмлар ва шинни тайёрлаш воҳа аҳолисининг бу борада бой тажриба орттирганликларини кўрсатади.

**Мавлуда ФАЙЗУЛЛАЕВА**

*Истеъдод*

## НУКУСДА ШУНДАЙ ҚИЗ БОР

***Нукус шаҳридаги Ж.Шомуродов номли бадиий ҳунар коллежида 500 нафардан зиёдроқ талаба таълим олади. Уларнинг касб-ҳунар эгаллашлари, дарсдан бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун барча қулайликлар мавжуд.***

*Кўплаб бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. Фартепьяно, скрипка, виолончель, кларнет ҳамда миллий чолғу асбоблари тўгараклари кўплаб санъатсевар ёшларни ўз бағрига олган. Улар устозлари раҳбарлигида маҳорат сирларини қунт билан ўрганяптилар.*

*Гулбаҳор Ақимбетова ушбу коллеж миллий мусиқа бўлимининг III босқич талабаси.*

*Айтиш жоизки, Гулбаҳорнинг ҳар баҳори унутилмас лаҳзаларга айланиб, гулларга буркана бормоқда. Дастлаб, Термиз шаҳрида ўтказилган бахши-жировларнинг IV Халқаро танловида совринли I ўринни олишга муяссар бўлган қиз Бойсун шаҳрида ўтказилган «Бойсун баҳори» халқаро фестивалида I даражали диплом, О.Худойшукуров номидаги Республика санъаткорлар мусобақасида II даражали диплом ва қимматбаҳо совғаларни қўлга киритиб, тилга тушди.*

*Бугун Гулбаҳор Ақимбетовани Нукусда барча яхши танийди. Зукко, тиришқоқ, изланувчан ва меҳнатсевар қиз Зулфия номидаги республика Давлат мукофоти совриндори.*

***Икромбек ХОЛМУРОДОВ***





Муҳаммад КАРИМ олган суратлар

## ЗАМАХШАРИЙ ЎГИТЛАРИ

**Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (ҳайбатлироқ)дир.**

* * *

*Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.*

* * *

**Одамлар ичида энг ярамаси хасисдир, уларнинг ичидаги энг ялқови пасткашидир.**

* * *

*Низо ва нифоқ мавжуд жойда нохушлик, қайғу-ҳасрату фақирлик бўлур.*

* * *

**Мардонавор киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, машаққату ташвишга гирифтор бўлсада, хор бўлмас.**

*Бир ҳовуч гавҳар*

* * *

*Кўпинча тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир.*

* * *

**Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.**

* * *

*Сени касодга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл, зарари йўқ, зиёни йўқ, деб юпатувчилардан узоқроқда бўл.*

* * *

**Бир лаҳза назар билан ишкал тўғри бўлур, бош бармоқ калта бўлишига қарамай бутун қўлни боғлаб туради.**

## ТЕАТРНИНГ ИЖОДИЙ САФАРИ

Тошкентдаги «Илҳом» театрининг ўттиз йиллик юбилейи кенг нишонланмоқда. Шу сана муносабати билан санъаткорлар чет элларга қиладиган гастролларини ҳам бошлаб юбордилар.

Бундай ижодий сафар Россия Федерацияси пойтахтидан бошланди. «Оқ лайлак, қора лайлак» деб номланган янги спектакл москвалик томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Ёзувчи Абдулла Қодирий асари асосида постановка қилинган бу спектаклда театрнинг етакчи актёрлари қатнашдилар.

Театрнинг Вена ва Лондонга қиладиган ижодий сафарига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. «Умидсиз севги», «Доктор Чехов лабораторияси» деган постановкалар ушбу гастроллар дастуридан ўрин олди.

**Наргиза НОРТОЕВА**


Маълумотнинг тартиб рақами — 07

## Акциядорлик тижорат Турон банк

**Акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилиши 2006 йил 17 июн куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 4-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги биносининг мажлислар залида бўлишини маълум қилади.**

**Кун тартиби**

*1. Акциядорлик тижорат Турон банкининг 2005 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда 2006 йилдаги ривожланиши асосий йўналишлари тўғрисида.*

*2. Турон банкнинг 2005 йил 31 декабр ҳолатига бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.*

*3. 2005 йил якунлари бўйича Турон банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*

*4. 2005 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш тартиби тўғрисида.*

*5. Турон банк акцияларининг VI эмиссиясини эълон қилиш тўғрисида.*

*6. Акциядорлик тижорат Турон банк Уставига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида.*

*7. Турон банкнинг 2006 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»сини тасдиқлаш тўғрисида.*

*8. Турон банкнинг 2006 йилги ташқи аудиторини тасдиқлаш ва тўловнинг чегараланган миқдорини аниқлаш тўғрисида.*

*9. Турон банк Кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш ҳақида.*

*10. Турон банк Тафтиш комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш ҳақида.*

*11. Бошқа масалалар.*

***2006 йил 17 май ҳолатигача ёпилган Туронбанк акциядорларининг реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга.***

***Банк кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вакилларидан йиғилишга ўз шахсларини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишларини сўрайди.***

***Банк акциядорлари ва улар номидан вакиллар 2006 йил 17 июн соат 10.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинадилар.***


*Ислоҳот берган имкон*

# ЎҚИТУВЧИ МАЛАКАЛИ БЎЛСА

***Хонобод педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежида автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, бошланғич таълим, бадиий либос, банк иши ва бухгалтерия ҳисоби каби қатор йўналишлар бўйича ишчи-мутахассислар тайёрланади. 1050 ўринга мўлжалланган мазкур таълим даргоҳида замонавий жиҳозланган 60 та фан хоналари мавжуд. Жумладан, 4 та лингафон, 3 та компьютер синфи ва 6 та лаборатория хоналари ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлашида алоҳида ўринга эга.***

Тикувчилик устахонаси Германиянинг «Brother» компаниясидан келтирилган 26 дона тикувчилик машиналари билан жиҳозланган. Айни пайтда тикувчилик йўналиши ўқувчилари замонавий ускуна билан тиллашиб, бежирим кийимлар тикиш сирларини пухта эгалламоқдалар.

Ёшларнинг спортга бўлган эътиборини ошириш мақсадида кураш, халқаро кураш, бокс, стол тенниси бўйича турли даражада мусобақалар уюштириб турилади. Спорт зали, футбол ва баскетбол майдонлари, тренажер, стол тенниси хонаси ва бокс ринги ўқувчилар ихтиёрида.

Учинчи босқич ўқувчиси Зоҳиджон Худойбердиев яқинда Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича Ўзбекистон чемпионатида олтин медални қўлга киритди ва Мексикада ўтказиладиган жаҳон биринчилигига йўлланма олди.

Бу ердаги 77 нафар ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг доимий малака оширишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

—Ўқитувчи қанчалик кучли, малакали бўлса, ўқувчи ҳам шунга яраша мукаммал билим олади,— дейди коллеж директори Зуҳриддин Тожибоев. —Шу боис педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларни малака ошириш курсларида мунтазам ўқишлари учун барча шароитни яратганмиз. Саъй-ҳаракатларимиз самараси сифатида ўқувчиларимизнинг фан олимпиадаларида юқори натижалар кўрсатаётганини қувонч билан тилга олишимиз мумкин. Жумладан, бухгалтерия ҳисоби йўналиши талабаси Азизбек Одилов Японияда ўтказилган «Сайёрамизни сақлайлик» мавзусидаги иншолар танловида фахрли ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан Андижон вилояти металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари касаба уюшмаси томонидан ҳомийлик асосида амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ёшларнинг маънавий дунёқарашини ошириш ва бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида турли жиҳозлар ҳамда бадиий-сиёсий адабиётлар олиб берилди.

Коллеж педагогик жамоасининг режалари улкан. Ўқув юртини ҳар томонлама юксалтириш, педагог кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш ва ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш бош масала. Бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам ва энг муҳими, ташаббус ҳам етарли.

**Н.ЮСУПОВ**

## ГЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ ЯНГРАДИ

***14 май куни Бельгиянинг Гент шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича Жаҳон кубоги доирасидаги мусобақалар якунига етди. Унда ўзбекистонлик Оксана Чусовитина таяниб сакраш бўйича олтин медални қўлга киритди.***

Юртдошимиз мусобақанинг уч тури бўйича финал босқичига чиқа олган ягона гимнастикачи бўлди. Таяниб сакрашдаги олтиндан ташқари, Оксана брусда бажарилган машқларда тўртинчи ҳамда бревнодаги мусобақаларда бешинчи ўринни эгаллади. Мусобақаларда дунёнинг 33 мамлакатидан 110 нафар гимнастикачи иштирок этди.

Халқаро спорт гимнастикаси федерацияси вакили Зигфрид Функ О.Чусовитинанинг Гентдаги чиқишини "катта муваффақият", дея таърифлаб, мутахассислар Ўзбекистон терма жамоаси етакчисининг 2008 йил Пекинда бўлиб ўтажак Олимпиада ўйинларидаги иштирокини катта қизиқиш билан кутаётганини айтди.

**«Жаҳон» АА**


## ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ АКЦИОНЕРНОГО ИННОВАЦИОННОГО КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА "ИПАК ЙУЛИ"!

***17 июня 2006 года в 10.00 часов состоится годовое общее собрание акционеров АИКБ "Ипак Йули".***

***Список акционеров, имеющих право на участие в годовом собрании, составлен по данным реестра акционеров на 17 мая 2006 года.***

***Регистрация акционеров начнется в 9.00 часов 17 июня 2006 года по адресу: г.Ташкент, массив Чиланзар, ул.Фархадская, 12 "А".***

*ПОВЕСТКА ДНЯ:*

1. Утверждение состава Счетной комиссии банка и регламента проведения Общего собрания акционеров.
2. Отчет Председателя Правления банка по итогам деятельности за 2005 год.
3. Отчет ревизионной комиссии по результатам деятельности банка за 2005 год.
4. Утверждение годового отчета, балансового отчета, отчета о прибылях и убытках за 2005 год и аудиторского заключения компании Deloitte & Touche.
5. Об увеличении уставного капитала банка.
6. О внесении изменений в Устав банка.
7. Утверждение порядка распределения чистой прибыли банка за 2005 год и размера выплачиваемых дивидендов за 2005 год.
8. Утверждение основных направлений развития банка на 2006 год.
9. Утверждение внешнего аудитора на 2006 год и предельного размера оплаты аудиторских услуг.
10. Об избрании членов Совета банка.
11. О переизбрании членов ревизионной комиссии.
12. О продлении трудового договора с Председателем Правления банка.
13. Информация о проделанной работе по кредитам, числящимся на счетах непредвиденных обстоятельств.

***Акционеры могут ознакомиться с информацией (материалами), подлежащей представлению акционерам при подготовке к проведению общего собрания по итогам 2005 года, по следующему адресу: г.Ташкент, массив Чиланзар, ул.Фархадская, 12 "А" (ориентир – станция метро "Чиланзар").***

***Телефоны для справок: 120-38-76, 76-18-74.***


Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши жамоаси Қори Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор Рисбой Жўраевга волидаи муҳтарамаси

**ЗЕБОХОН** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 15164 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 714

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - З.Рихсиев
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов
Навбатчи - Ю.Очилдиев

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 22.30